



Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган муттафакүн алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мусулмон кишининг мусулмон биродари устида бешта хаққи бор: Саломига алик олиш, касал бўлса зиёрат қилиш, (вафот этса) жанозасига қатнашиш, чақирса бориш ва аксирса (кейин алҳамдулиллаҳ деса) ярҳамукаллоҳ дейиши», дедилар.

«...» : «...») «...»).

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз валима - никоҳ зиёфатига чақирилса борсин», дедилар.

Имом Муслим Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз таомга таклиф қилинса борсин, агар хоҳласа ейди, хоҳламаса емайди», дедилар.



ЧАҚИРИЛГАН ЖОЙГА БОРИШ МУСУЛМОН КИШИННИГ МУСУЛМОН БИРОДАРИ
ЧАҚИРИЛГАН ЖОЙГА БОРИШ МУСУЛМОН КИШИННИГ МУСУЛМОН БИРОДАРИ
ЧАҚИРИЛГАН ЖОЙГА БОРИШ МУСУЛМОН КИШИННИГ МУСУЛМОН БИРОДАРИ
ЧАҚИРИЛГАН ЖОЙГА БОРИШ МУСУЛМОН КИШИННИГ МУСУЛМОН БИРОДАРИ

Имом Муслим ривоят қилған асарда Абу Ҳурайра розияллоҳу анху шундай дейди: «Бойларгина чақирилиб, камбағаллар чақирилмайдиган тўйининг оши нақадар ёмон ош!. Ким чақирилган жойга бормаса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлибди.»

Шарҳ:

Чақирилган жойга бориш мусулмон кишининг мусулмон биродари устидаги ҳақларидан биридир. Мусулмонларнинг ижтимоий ва оиласаларо борди-келдиларини кучайтиришга сабаб бўлгани учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чақирилган жойга боришга буюрганлар. Шариатга мувофиқ ўтказилаётган тўй ва зиёфатларга таклиф қилинганда бормаслик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига осий бўлиш, демакдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Тўй ва зиёфатлар агар шариатга мувофиқ бўлса, чақирилганда бориш лозим.
2. Чақирилган жойга бориш мусулмон кишининг мусулмон биродари устидаги ҳақларидан бири.
3. Чақирилган жойга борганда албатта таом тановул қилиш шарт эмас, хоҳласа ейди хоҳламаса емайди.